

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

2-сон
(138)
2005 й.
январь

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Учинчи бўлим

7. «Ихтисослаштирилган «Ўзаукционсавдо» ташкилотини тугатиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 январдаги 13-сон қарори
8. «Қурбон хайитини нишонлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 12 январдаги 14-сон қарори
9. «Самарқанд чой қадоқлаш фабрикасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 12 январдаги 15-сон қарори [Кўчирма]
10. «Туркманистон билан ҳамкорликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 13 январдаги 16-сон қарори

Бешинчи бўлим

11. «Истеъмолчиларга электр энергиясини етказиб бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлигининг 2004 йил 24 декабрдаги 415-сонли

бўйруғи. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 11 январда 1440-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)

12. «Ўзбекнефтегаз» МХК корхоналари ва ташкилотлари ҳисобварақларидан тўловларни амалга ошириш ва уларга «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг ҳудудий газ таъминоти корхоналаридан тушадиган тўловлари тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2004 йил 28 декабрдаги 132, 2004-71-сонли қарори. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 14 январда 1441-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)
13. «Ўзбекнефтегаз» МХК корхоналари ва ташкилотлари ҳисобварақларидан тўловларни ҳамда табиий газ истеъмол қилувчиларнинг етказиб берувчилар — «Бошкоммунгаз» корхонаси, «Ўзгазсотиш» шўъба корхонаси, «Ўзтрансгаз» АК билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби тўғрисида низом ва унга киритилган қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк Бошқарувининг 2004 йил 28 декабрдаги 131, 2004-70, 186-В-2-сон қарори. (2005 йил 14 январда давлат реестридан чиқарилди)
14. «Энг қулай режим яратган ҳолда савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланган малакатлар рўйхатига қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2004 йил 11 ноябрь НН-01/10-4238, СР/13-01/3-46/128, 01-02/20-35 -сон қарори. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 14 январда 426-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)
15. «Бюджет ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарзларни тўлаш муддатини кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш имконини бериш, пеня ҳисоблашни тўхтатиш, шунингдек пеня ва жарима санкцияларини ҳисобдан чиқариш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартиш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Республика комиссиясининг 2004 йил 10 декабрдаги 60-сонли қарори. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 14 январда 1442-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)
16. «Селекция ютуғига Ўзбекистон Республикаси патентини бериш учун талабно-маларни тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасининг 2004 йил 30 декабрдаги 62-сонли бўйруғи. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 14 январда 1443-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)
17. «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режасига қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 31 декабрдаги 28/9-сон қарори. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 14 январда 773-18-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2005 йил 8 январдан 14 январгача бўлган маълумот

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

7 Иختисослаштирилган «Ўзаукционсавдо» ташкилотини тугатиш тўғрисида

Маҳсулотларни сотиш бозор принциплари ва механизмларини жорий қилиш жараёнини янада чуқурлаштириш, марказлаштирилган иختисослаштирилган тақсимот тизимини бартараф этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Давлат мулки қўмитаси, Марказий банки, Ўзбекистон товар-хом ашё биржасининг Ўзбекистон товар-хом ашё биржаси таркибидаги иختисослаштирилган «Ўзаукционсавдо» ташкилотини тугатиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Иختисослаштирилган «Ўзаукционсавдо» ташкилотини тугатиш билан боғлиқ ишларни мувофиқлаштириш учун иловага* мувофиқ таркибда тугатиш комиссияси ташкил этилсин.

Тугатиш комиссияси иختисослаштирилган «Ўзаукционсавдо» ташкилотини тугатиш билан боғлиқ масалаларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқсин ва ҳал қилсин.

3. Ўзбекистон товар-хом ашё биржаси икки ҳафта муддатда республика норезидентларига эркин муомаладаги валютага хом ашё, материаллар ва тайёр маҳсулотлар (товарлар) сотиш бўйича биржа савдолари ўтказиш учун савдо майдончаси ташкил этсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тугатиш комиссияси билан биргаликда иختисослаштирилган «Ўзаукционсавдо» ташкилотининг тугатилиши муносабати билан бўшаб қоладиган ходимларни ишга жойлаштириш чора-тадбирларини кўрсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Юқори ликвидли маҳсулотларни ким ошди савдосида сотишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 12 июлдаги 298-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 7-сон, 40-модда) ҳамда «Маҳсулотларни ким ошди савдоларида сотиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 22 апрелдаги 193-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 4-сон, 40-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон товар-хом ашё биржаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар.

* Илова берилмайди.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 11 январь,
13-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

8 Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида

Муборак Қурбон ҳайитини шоду хуррамлик билан ўтказиш халқимизнинг азалий анъаналаридан экани, ушбу сананинг жамиятимиз маънавий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаши ва «Сихат-саломатлик йили»да инсонларда руҳий-маънавий, жисмоний поклик сифатларини шакллантиришдаги аҳамиятини эътиборга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Диний байрам — Қурбон ҳайитни дам олиш куни деб эълон қилиш ҳақида» 1991 йил 20 июндаги ПФ–221-сон Фармони ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2005 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 21 январга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар Кенгашининг қарори эътироф этилсин ҳамда 21 январь куни мамлакатимизда дам олиш куни деб эълон қилиб, байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Мутасадди идора ва жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсинлар.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 12 январь,
14-сон

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI BAZIRLAR MAХKAMACINING QARORI

9 Самарқанд чой қадоқлаш фабрикасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида**[Кўчирма]**

Самарқанд чой қадоқлаш фабрикасининг яратилган ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш ва қадоқланган чой ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги бошқа манфаатдор идоралар билан бирга 2005 йилдан бошлаб республикага чой хом ашёси келтириш фақат қадоқлаш автоматларига эга бўлган юридик шахслар ва юридик шахс бўлмаган яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан уларнинг ишлаб чиқариш қувватларидан ортиқ бўлмаган ҳажмларда амалга ошириладиган тартибни белгиласинлар.

7. 2005 йил 1 апрелдан бошлаб чакана савдо тармоқларида чойни қадоқланмаган ҳолда сотиш тақиқлансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 12 январь,
15-сон

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI BAZIRLAR MAХKAMACINING QARORI

10 Туркменистон билан ҳамкорликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Туркменистон Президенти С.А. Ниёзовнинг 2004 йил 19 ноябрда Ўзбекистонга қилган расмий ташрифи давомида эришилган битимлар ва ахдлашувлар амалга оширилишини таъминлаш ҳамда сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Туркменистон билан ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган, ташриф давомида эришилган битимлар ва ахдлашувларни амалга ошириш тадбирлари режаси иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар

* Илова берилмайди.

вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ташриф давомида имзоланган ҳужжатлар ва битимлар амалга оширилиши устидан зарур назорат ўрнатсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С. Азимов, Э.М. Ғаниев ва М.З. Усмонов бир ой муддатда Турманистоннинг ваколатли органлари билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси билан Туркманистон ўртасидаги ташқи савдо айланмаси таркибини чуқур ўрганиб чиқсинлар, чегарадаги савдо-ни ривожлантириш масалаларини ишлаб чиқсинлар ва икки томонлама савдо турларини кенгайтириш ва ҳажмини кўпайтириш юзасидан аниқ таклифлар киритсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 13 январь,
16-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАДА НАЗОРАТ БЎЙИЧА ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ
«ЎЗДАВЭНЕРГОНАЗОРAT» БОШЛИГИНИНГ
БУЙРУҒИ

11 Истеъмолчиларга электр энергиясини етказиб бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
11 январда 1440-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 21 январдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 415-сонли қарори билан тасдиқланган «Электр энергетикада назорат бўйича «Ўздав-энергоназорат» давлат инспекцияси тўғрисидаги низом»га асосан ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги «Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида»ги 57-сонли қарорини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги «Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 511-сонли қарорини бажариш Назорат-режасининг 2-бандини ижро этиш мақсадида, **буюраман:**

1. «Истеъмолчиларга электр энергиясини етказиб бериш тартиби тўғрисидаги низом» иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб 10 кундан кейин амалга киритилсин.

3. Мазкур буйруқ кучга кирган кундан бошлаб «Ўздавээнергоназорат» инспекциясининг 2004 йил 15 июлдаги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтган (2004 йил 29 июль, рўйхат рақами 1392 — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й. 30-сон) «Истеъмолчиларга электр энергиясини етказиб бериш тартиби тўғрисидаги низом»ни тасдиқлаш ҳақидаги 257-сонли буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ушбу буйруқнинг бажарилиши устидан назоратни ўз зиммамда қолдираман.

«Ўздавээнергоназорат» инспекцияси бошлиғи Б. ФУЛОМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 24 декабрь,
415-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

12 «Ўзбекнефтегаз» МХК корхоналари ва ташкилотлари ҳисобварақларидан тўловларни амалга ошириш ва уларга «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг ҳудудий газ таъминоти корхоналаридан тушадиган тўловлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
14 январда 1441-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 24 январдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 февралдаги ПФ–1923-сон «Ҳисоб-китоб тизимини такомиллаштириш ҳамда республика ва маҳаллий бюджетларга тўловлар тушишини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 20 мартдаги 90-сон «Табиий газ етказиб бериш ва унинг учун ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 йил, 5-6-сон, 42-модда), 2003 йил 19 майдаги 225-сон «Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш тизимини ва уларни сотишда ҳисоб-китоб қилиш механизминини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 йил, 9-10-сон, 75-модда), 2003 йил 2 октябрдаги 421-сон «Республика газ таъминотини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 йил, 19-сон, 179-модда), 2003 йил 21 октябрдаги 460-сон «Ўзбекнефтгаз» Миллий ҳолдинг компаниясининг бошқарув тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 йил, 20-сон, 192-модда) қарорларига мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. «Ўзбекнефтегаз» МХК корхоналари ва ташкилотлари ҳисобварақларидан тўловларни амалга ошириш ва уларга «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг ҳудудий газ таъминоти корхоналаридан тушадиган тўловлари тўғрисидаги низом иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кундан кейин кучга киради.

Молия вазири С. РАҲИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 28 декабрь,
132-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2004 йил 28 декабрь,
2004-71-сон

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ
ҚАРОРИ

13 «Ўзбекнефтгаз» МХК корхоналари ва ташкилотлари ҳисобварақларидан тўловларни ҳамда табиий газ истеъмол қилувчиларнинг етказиб берувчилар — «Бошкоммунгаз» корхонаси, «Ўзгазсотиш» шўъба корхонаси, «Ўзтрансгаз» АК билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби тўғрисида низом ва унга киритилган қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ҳақида

(2005 йил 14 январда давлат реестридан чиқарилди)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 20 мартдаги 90-сон «Табиий газ етказиб бериш ва унинг учун ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 йил, 5-6-сон, 42-модда), 2003 йил 19 майдаги 225-сон «Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш тизимини ва уларни сотишда ҳисоб-китоб қилиш механизминини янада такомиллаштириш тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 йил, 9-10-сон, 75-модда), 2003 йил 2 октябрдаги 421-сон «Республика газ таъминотини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 йил, 19-сон, 179-модда), 2003 йил 21 октябрдаги 460-сон «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компаниясининг бошқарув тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 йил, 20-сон, 192-модда) қарорларига мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банкининг 2001 йил 20 мартдаги 28, 2001-32, 186-В-сонли «Ўзбекнефтгаз» МХК корхоналари ва ташкилотлари ҳисобварақларидан тўловларни ҳамда табиий газ истеъмол қилувчиларнинг етказиб берувчилар — «Бошкоммунгаз» корхонаси, «Ўзгазсотиш» шўъба корхонаси, «Ўзтрансгаз» АК билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарори (2001 йил 26 март, рўйхат рақами 1021 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2001 йил, 6-сон).

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банкининг 2001 йил 31 мартдаги 47, 03/1-3578, 186-В-1-сонли «Ўзбекнефт-

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й.

газ» МХК корхоналари ва ташкилотлари ҳисобварақларидан тўловларни ҳамда табиий газ истеъмол қилувчиларнинг етказиб берувчилар — «Бошкоммунгаз» корхонаси, «Ўзгазсотиш» шўъба корхонаси, «Ўзтрансгаз» АК билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақидаги қарори (2001 йил 19 июнь, рўйхат рақами 1021-1 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотнома-си, 2001 йил, 12-сон) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Молия вазири С. РАҲИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 28 декабрь,
131-сон

Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2004 йил 28 декабрь,
2004-70-сон

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 28 декабрь,
186-В-2-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ
АЛОҚАЛАР АГЕНТЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

14 **Энг қулай режим яратган ҳолда савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланган мам- лакатлар рўйхатига қўшимчалар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
14 январда 426-А-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 24 январдан кучга киради)

2004 йил 30 апрелда имзоланган Чехия Республикаси, Эстония Республи-
каси, Кипр Республикаси, Венгрия Республикаси, Латвия Республикаси, Литва
Республикаси, Мальта Республикаси, Польша Республикаси, Словения Респуб-
ликаси ва Словакия Республикасининг Европа Иттифоқига қўшилиши муносаба-
ти билан Ўзбекистон Республикаси, бир томондан, Европа ҳамжамиятлари ҳамда

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й.

уларга аъзо давлатлар, иккинчи томондан, ўртасида шерикчилик таъсис этувчи Шерикчилик ва Ҳамкорлик тўғрисида Битимга Баённоманинг 2004 йил 1 майдан вақтинчалик амал қилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги томонидан 1998 йил 1 апрелда, Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 2 апрелда 23-сон ва Давлат божхона қўмитаси томонидан 1998 йил 3 апрелда 02/19-2-сон билан тасдиқланган Энг қулай режим яратган ҳолда савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланган мамлакатлар рўйхатига (1998 йил 8 апрель, рўйхат рақами 426) иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Э. ҒАНИЕВ

Тошкент ш.,
2004 йил 11 ноябрь,
ЭГ-01/10-4238-сон

Молия вазири С. РАҲИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 11 ноябрь,
СР/13-01/3-46/128-сон

Давлат божхона қўмитаси раиси Б. МАТЛЮБОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 11 ноябрь,
01-02/20-35-сон

Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги,
Молия вазирлиги ва Давлат божхона
қўмитасининг
2004 йил 11 ноябрдаги ЭГ-01/10-4238,
СР/13-01/3-46/128, 01-02/20-35-сон
қарорига
ИЛОВА

**Энг қулай режим яратган ҳолда савдо-иқтисодий ҳамкорлик
тўғрисидаги битимлар имзоланган мамлакатлар рўйхатига
киритилаётган қўшимчалар**

1. 17 рақами билан тегишли ўзгартириш киритган ҳолда Кипр алфавит тартибида рўйхатга киритилсин.

2. 23 рақами билан тегишли ўзгартириш киритган ҳолда Мальта алфавит тартибида рўйхатга киритилсин.

3. 32 рақами билан тегишли ўзгартириш киритган ҳолда Словения алфавит тартибида рўйхатга киритилсин.

4. Ушбу қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Марказий банки билан келишилган.

Ташқи ишлар вазири С. САФОЕВ

Тошкент ш.,
2004 йил 11 ноябрь

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 11 ноябрь

МУДДАТИ ЎТКАЗИБ ЮБОРИЛГАН ДЕБИТОРЛИК ВА КРЕДИТОРЛИК
ҚАРЗЛАРНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА БЮДЖЕТГА ТЎЛОВЛАР ИНТИЗОМИНИ
МУСТАҲКАМЛАШ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИНИНГ
ҚАРОРИ

15 **Бюджет ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарзларни тўлаш муддатини кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш имконини бериш, пеня ҳисоблашни тўхтатиш, шунингдек пеня ва жарима санкцияларини ҳисобдан чиқариш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
14 январда 1442-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 24 январдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 февралдаги 61-сонли «Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартириш ва бюджетга тўловлар интизоimini мустаҳкамлаш бўйича Республика комиссиясини ташкил этиш тўғрисида»ги ва 2004 йил 14 апрелдаги 182-сон «Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартириш ва бюджетга тўловлар интизоimini мустаҳкамлаш бўйича Республика комиссияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги (Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил 15-сон, 178-модда) қарорларига мувофиқ, муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартириш ва бюджетга тўловлар интизоimini мустаҳкамлаш бўйича Республика комиссияси **қарор қилади:**

1. Бюджет ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарзларни тўлаш муддатини кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш имконини бериш, пеня ҳисоблашни тўхтатиш, шунингдек пеня ва жарима санкцияларини ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги низом иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

2. Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўлов интизомини мустаҳкамлаш бўйича Ҳукумат комиссияси томонидан 2001 йил 5 июлда 26-сон билан тасдиқланган «Ўз вақтида тўланмаган қарзларни тўлашни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш учун муддат бериш, пенялар ёзишни тўхтатиш, шунингдек солиқлар ва бюджет ҳамда бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар бўйича пеняларни ҳисобдан чиқариш тўғрисида низом» (2001 йил 28 сентябрь, рўйхат рақами 1071) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтганидан кейин кучга киради.

**Комиссия ҳамраиси, Марказий банк Бошқаруви
раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,
2004 йил 10 декабрь,
60-сон

Комиссия ҳамраиси, Молия вазири С. РАҲИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 10 декабрь,
60-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ПАТЕНТ ИДОРАСИ
ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

16 Селекция ютуғига Ўзбекистон Республикаси патентини бериш учун талабномаларни тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
14 январда 1443-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 24 январдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Селекция ютуғлари тўғрисидаги» Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Селекция ютуғига Ўзбекистон Республикаси патентини бериш учун талабномаларни тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидалари иловага* биноан тасдиқлансин.

2. Давлат патент идораси директорининг 1997 йил 2 сентябрдаги 49-сон буйруғи билан тасдиқланган Селекция ютуғига Ўзбекистон Республикаси патентини

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

бериш учун талабномаларни тузиш ва топширишнинг вақтинчалик қоидалари ушбу Қоидалар кучга кирган санадан эътиборан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг 10 кун ўтгандан кейин кучга киради.

Давлат патент идораси директори А. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 30 декабрь,
62-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

17 Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режасига қўшимчалар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
14 январда 773-18-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 24 январдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунининг 7 ва 51-моддаларига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 декабрдаги 595-сонли ««Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарорига асосан Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 17 июлдаги 578-сон қарори билан тасдиқланган (2004 йил 13 августда 773-17-сон билан рўйхатга олинган) «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режасига иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб 10 кундан сўнг кучга киради.

3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Марказий банк раисининг биринчи ўринбосари Қ.Т. Рофиев зиммасига юклатилсин.

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 31 декабрь,
28/9-сон

Марказий банки Бошқарувининг
2004 йил 31 декабрдаги 28/9-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режасига қўшимчалар

«Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режасига»га (2004 йил 13 август, рўйхат рақами 773-17) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1. II-бўлимда:

1) **«22626 — Корхона ва ташкилотларнинг мақсадли маблағлари»** баланс ҳисобварағидан кейин қуйидаги таҳрирдаги баланс ҳисобварағи киритилсин:
«22628 — Фуқароларнинг шахсий жамғарма пенсия ҳисобварағидagi маблағлари»;

2) **«44901 — Бошқа фоизли даромадлар»** баланс ҳисобварағидан кейин қуйидаги таҳрирдаги баланс ҳисобварағи киритилсин:

«44903 — Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини инвестиция қилишдан маржа».

2. III-бўлимда:

1) **«22626 — Корхона ва ташкилотларнинг мақсадли маблағлари»** баланс ҳисобварағининг таърифидан кейин қуйидаги таҳрирдаги баланс ҳисобварағининг таърифи киритилсин:

«22628 — Фуқароларнинг шахсий жамғарма пенсия ҳисобварағидagi маблағлари.

Ҳисобварақнинг таърифи: қонунчиликка мувофиқ фуқароларнинг шахсий жамғарма пенсия ҳисобварақларидаги маблағлари ҳисоби юритилади.

Ҳисобварақнинг кредитида фуқароларнинг мажбурий ва ихтиёрий жамғарма пенсия бадаллари, шахсий жамғарма ҳисобварақларидаги қолдиқ маблағларга ҳар йилнинг охирида Халқ банкининг маржаси айириб ташланган ҳолда ҳисобланган фоиз даромадлари, шунингдек қонунчиликка зид бўлмаган бошқа тушумлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида қонунчиликда ўрнатилган тартибда шахсий пенсия ҳисобварақларидан тўланган маблағларнинг суммаси ва/ёки нотўғри кирим қилинган маблағларнинг ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир филиал бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади».

2) **«44901 — Бошқа фоизли даромадлар»** баланс ҳисобварағининг таърифидан кейин қуйидаги таҳрирдаги баланс ҳисобварағи киритилсин:

«44903 — Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини инвестиция қилишдан маржа.

Ҳисобварақнинг таърифи: жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини инвестиция қилишдан олинган ва миқдори қонунчиликка мувофиқ аниқландиган маржа ҳисоби юритилади.

Ҳисобварақнинг кредитида ишлаб топилган даромад (маржа) суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида нотўғри ҳисобланган ва/ёки олинган фоизларнинг қайтарилган суммаси ҳамда молиявий ҳисобот йилининг охирида банкнинг молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварағига ўтказиладиган даромадлар суммаси акс эттирилади».

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2005 йил 8 январдан 14 январгача бўлган маълумот

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Истеъмолчиларга электр энергиясини етказиб бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлигининг 2004 йил 24 декабрдаги 415-сонли буйруғи.*

2005 йил 11 январда 1440-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 21 январдан кучга киради).

2. «Ўзбекнефтегаз» МХК корхоналари ва ташкилотлари ҳисобварақларидан тўловларни амалга ошириш ва уларга «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг ҳудудий газ таъминоти корхоналаридан тушадиган тўловлари тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2004 йил 28 декабрдаги 132, 2004-71-сонли қарори.*

2005 йил 14 январда 1441-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 24 январдан кучга киради).

3. «Энг қулай режим яратган ҳолда савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланган мамлакатлар рўйхатига қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2004 йил 11 ноябрь НН-01/10-4238, СР/13-01/3-46/128, 01-02/20-35 -сон қарори.*

2005 йил 14 январда 426-4-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 24 январдан кучга киради).

4. «Бюджет ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарзларни тўлаш муддатини кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш имконини бериш, пеня ҳисоблашни тўхтатиш, шунингдек пеня ва жарима санкцияларини ҳисобдан чиқариш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустақкамлаш бўйича Республика комиссиясининг 2004 йил 10 декабрдаги 60-сонли қарори.*

2005 йил 14 январда 1442-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 24 январдан кучга киради).

5. «Селекция ютуғига Ўзбекистон Республикаси патентини бериш учун талабномаларни тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасининг 2004 йил 30 декабрдаги 62-сонли буйруғи.*

2005 йил 14 январда 1443-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 24 январдан кучга киради).

6. «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисоб-варақлари режасига қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 31 декабрдаги 28/9-сон қарори.*

2005 йил 14 январда 773-18-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 24 январдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Истеъмолчиларга электр энергиясини етказиб бериш тартиби тўғрисида низом. *Ўзбекистон Республикаси Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси томонидан тасдиқланган (2004 йил 29 июль, рўйхат рақами 1392).*

Адлия вазирининг 2005 йил 11 январдаги 2-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

2. «Ўзбекнефтегаз» МХК корхоналари ва ташкилотлари ҳисобварақларидан тўловларни ҳамда табиий газ истеъмол қилувчиларнинг етказиб берувчилар — «Бошқоммунгаз» корхонаси, «Ўзгазотиш» шўъба корхонаси, «Ўзтрансгаз» АК билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби тўғрисида низом ва 1-сонли қўшимчалар. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк Бошқаруви томонидан тасдиқланган (2001 йил 26 март, рўйхат рақами 1021; 2001 йил 19 июнь, рўйхат рақами 1021-1).*

Адлия вазирининг 2005 йил 14 январдаги 4-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

3. Ўз вақтида тўланмаган қарзларни тўлашни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш учун муддат бериш, пенялар ёзишни тўхтатиш, шунингдек солиқлар ва бюджет ҳамда бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар бўйича пеняларни ҳисобдан чиқариш тўғрисида низом. *Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўлов интизомини мустаҳкамлаш бўйича Ҳукумат комиссияси йиғилиши баённомаси билан тасдиқланган (2001 йил 28 сентябрь, рўйхат рақами 1071).*

Адлия вазирининг 2005 йил 14 январдаги 6-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

III. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:

1. «Фуқаролик ва экспериментал авиация аэродромларини ишлатишга яроқлилик меъёрлари» *Ўзбекистон Республикаси Авиация қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Дававианазорат нозирлиги бошлигининг буйруғи.*

Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда мазкур ҳужжат техник ҳужжат деб топилди, шунинг учун у белгиланган тартибда ушбу идора томонидан тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин. Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган меъёрий ҳужжатларда амалдаги қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.

